

Кейинги ўринларда “Бююртмачи” деб юритиладиган Андижон вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи бошлиғи Т. Қараев бир томондан, матнда кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган Булоқбоши ТЙФУК Низоми асосида иш кўрувчи директори И.Собиров иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги 295-сонли “ЎзР Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси Низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорнинг 3-боб, 13-бўлим, 15-хатбошисига асосан, 2019 йил 9 декабрь кунги ПҚ-4545-сонли қарорнинг 1-иловасига асосан, ҳамда 2017 йил 14 февраль кунги ПҚ-2776-сонли қарорларга асосан, Булоқбоши тумани ҳудудидан ўтувчи умумий фойдаланишдаги давлат аҳамиятдаги автомобиль йўлларини сақлаш бўйича ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. “Пудратчи” ушбу шартнома шартларига мувофиқ Булоқбоши тумани ҳудудидан ўтувчи давлат аҳамиятдаги автомобил йўлларида сақлаш ишларини шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловага асосан бажариш мажбуриятини олади. “Бююртмачи” эса “Пудратчи”га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот меъёрлари асосида тузилган лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағ тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда 2022 йилда 64 452 000 (Олтмиш тўрт миллион тўрт юз эллик икки минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, фақатгина ишлар ҳажми бююртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ғазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтиб, жамғарма ҳисоб рақамида маблағ мавжудлигини ҳисобга олиб жорий ойнинг 10 санасига қадар “Бююртмачи” томонидан бажариладиган ойлик иш ҳажмининг 40% миқдоридан олдиндан аванс тариқасида “Пудратчи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. “Бююртмачи” томонидан ойлик иш ҳажмлари режасига асосан “Пудратчи” томонидан тақдим қилинган бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунидан “Пудратчи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.5. “Бююртмачи” охириги тўловни “Пудратчи” томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунидан кечикмаган муддатда бироқ 2022 йилнинг 31 декабрига қадар ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар “Бююртмачи” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “Пудратчи”нинг мажбуриятлари

Мазкур шартномада илова қилинадиган бажариладиган ишлар маълумотномасига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни ой якунига қадар бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда “Бююртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. “Пудратчи”нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олинадиган аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. “Бююртмачи”нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни Автомобиль йўллари кўмитасининг 2003 йил 15 октябрдаги 198-сонли буйруғи асосида “Автомобил йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишларини қабул қилиш қоидалари” МШН-19-2004 ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. “Бююртмачи”нинг ҳуқуқлари

“Пудратчи”дан бажариладиган сақлаш ишларини амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида бажарилишини таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

“Пудратчи”дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

“Пудратчи” томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. “Пудратчи” объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун “Буюртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдорда пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар “Пудратчи” томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса “Буюртмачи” тўловларни тўхташиб, лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20%и миқдорда жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорда пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада қўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25-32 моддалари асосида белгиланади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ҳазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“ПУДРАТЧИ”

Булокбоши ТҲФУК

(иш бажариб берувчининг номи)

Манзили: Булокбоши тумани Қумгузар

МФЙ Намуна кўчаси 1-уй

Тел./факс: 74 773-24-68

х/в 22626000700280723002

Банк номи: “Ипотекабанк” Истиклол

бўлими

МФО: 00068 ИНН: 200265725

ОКОНХ: 42110

“БУЮРТМАЧИ”

Андижон вилоят АЙХББ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Андижон ш. А.Йўлдашев кўча 30

Тел./факс 224-10-07 226-88-90

ш/х* 304510860034017045162118001

СТИР: 200230895 ОКОНХ: 84112

Ҳазначилик бўлинмаси номи: Ўз Р Молия

Вазирлиги Ҳазначилиги

Ҳазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: МБББ ХККМ

МФО: 00014

Ҳазначилик бўлинмаси СТИР 201122919




И.Собиров




Т. Қараев

Ҳуқуқшунос маслаҳатчи:  А.Мамажонов

Булоқбоши ТЙФУК томонидан бажариладиган сақлаш ишлари қиймати ва ишларни бажариш жадвали

Йул рақами	Йулнинг номи	Йулнинг узунлиги км	2022йил режаси				жам	1 чорак режаси	I-чорак		
			3	6	7	ойлар					
						январь			февраль	март	
1	2	3	6	7	8	9	10				
	Давлат аҳамиятидаги йуллар										
4р-137	Хужаобод-Булоқбоши-Кулла-Ўкчи	3-19	54276,00	54276,000	18092,000	18092,000	18092,000				
4р-251	Тошкент ош йулдан Булоқбошига кириш	7-10	10176,00	10176,000	3392,000	3392,000	3392,000				
	Жам		64452,00	64452,000	21484,000	21484,000	21484,000				



"ПУДРАТЧИ"
 Булоқбоши ТЙФУК директори
 И.Собиров



"ПУДРАТЧИ"
 Андижон вилоят АЙХББ бошлиғи
 Т.Караев